

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА
ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
PhD.30.08.2018.FM/T.01.12 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖАЛАЛОВ РАВШАНБЕК МАХМУДХАНОВИЧ

**ГИДРОГЕНИЗАЦИЯЛАНГАН АМОРФ КРЕМНИЙНИНГ СПЕКТРАЛ
ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

01.04.10 – яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
physical-mathematical sciences**

Жалалов Равшанбек Махмудханович Гидрогенизацияланган аморф кремнийнинг спектрал характеристикаларининг шаклланиш хусусиятлари	3
Жалалов Равшанбек Махмудханович Особенности формирования спектральных характеристик гидрогени- зированного аморфного кремния	27
Jalalov Ravshanbek Mahmudxanovich Spectral characteristics of the coefficient of the optical absorption hydrogenated amorphous semiconductors	49
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	52

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА
ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
PhD.30.08.2018.FM/T.01.12 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖАЛАЛОВ РАВШАНБЕК МАХМУДХАНОВИЧ

**ГИДРОГЕНИЗАЦИЯЛАНГАН АМОРФ КРЕМНИЙНИНГ СПЕКТРАЛ
ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

01.04.10 – яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/FM 260 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ispm.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Зайнобидинов Сирожидин Зайнобидинович
физика-математика фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар:

Исмайлов Канатбай Абдреймович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Отажанов Салим Мадрахимович
физика-математика фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги фалсафа доктори илмий даражасини берувчи PhD.30.08.2018.FM/T.01.12 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100057, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Янги Олмазор кўчаси, 20-уй. Тел.: (+99871) 248-79-94; факс: (+99871) 248-79-92; e-mail: info@ispm.uz), ЎзМУ қошидаги ЯФМ ИТИ мажлислар зали).

Диссертация билан Ахборот технологияларини жорий этиш бўлимида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100057, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Янги Олмазор кўчаси, 20-уй. Тел.: (+99871) 248-79-59; e-mail: info@ispm.uz),

Диссертация автореферати 2019 йил « ___ » _____ да тарқатилди.
(2019 йил « ___ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Б. Утамурадова
Фалсафа доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

С.С. Насриддинов
Фалсафа доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш котиби т.ф.д., доцент

А.Т. Мамадалимов
Фалсафа доктори илмий даражасини Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
ф.-м.ф.д., профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг зарурати ва долзарблиги. Жаҳонда бугунги кунда шиддат билан ривожланаётган фотоэнергетика соҳасининг истиқболли йўналишлардан бири гидрогенизацияланган аморф кремнийда ёруғликни электр энергиясига айлантириш жараёнларини ўрганиш асосида қуёш энергиясини янада самаралироқ ўзгартириш ҳисобланади. Бунда гидрогенизацияланган аморф кремнийнинг ёруғликни ютиш қобилиятини ўрганиш асосий масалалардан бўлиб, у қуёш энергиясини электр энергиясига ўзгартириш учун ишлатиладиган материалнинг мақбул параметрларини танлашда қимматли маълумотлар олиш имконини беради.

Ҳозирги кунда дунё илм-фанида гидрогенизацияланган аморф кремнийнинг берилган спектрал оралиғидаги фундаментал параметрлари билан боғлиқ фотоэлектрик характеристикаларини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, қуйида келтирилган йўналишлар бўйича мақсадли тадқиқотлар олиб бориш асосий масалалардан бири ҳисобланади: аморф кремнийнинг фундаментал ютилиш соҳасида электронларнинг тўғри ва нотўғри оптик ўтишлари учун ҳаракатчанлик тирқишининг оптик кенглиги билан руҳсат этилган зоналардаги электрон ҳолатлар зичлиги функциялари орасидаги боғланишларни тадқиқ қилиш; аморф яримўтказгичларда экспоненциал ютилиш коэффициентининг спектрал боғланишларида Урбах энергиясини аниқлаш; нуқсонлардаги электрон ҳолатлари иштирок этувчи фотонларнинг ютилишларини аниқловчи спектрлардан фойдаланиб, нуқсонларнинг энергетик ўрнини аниқлаш; инфрақизил ютилиш соҳасининг яримўтказгич кристалл панжараси параметрлари билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш.

Республикамызда илм-фан ривожига фотоўзгартиргичларга хусусан, монокристалл кремнийли қуёш модулларининг мақбул ишлаш режимларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ҳозирга қадар чегаравий ишчи температуралар аниқланган ва иссиқ об-ҳаво шароитида ишчи ҳолатини сақлаш учун тавсиялар ишлаб чиқилган.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси¹ да илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш масалалари, ишлаб чиқаришга энергия тежамкор технологияларни жорий қилиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш вазифалари белгилаб берилган. Бу борада арзон яримўтказгич материаллари асосидаги эффектив қуёш элементларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сонли Фармони ҳамда 2017 йил 13 февралдаги ПҚ–2772-сонли “2017-2021 йилларда электротехника саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сон Фармони.

тўғрисида”ги ҳамда 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли “Фанлар Академиясининг фаолияти ва илмий-тадқиқот ишларини такомиллаштиришни ташкил қилиш, бошқариш ва молиялаштириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг Ф2 «Физика, астрономия, энергетика ва машинасозлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Гидрогенизацияланган кремний асосли қуёш элементларида нуқсонларнинг ҳосил бўлиш сабабларини Америкалик олим Дэвид Дреболд¹ ва унинг ҳамкасблари биргаликда ўрганишган.

Россиялик олимлар томонидан аморф кремний учун тажрибалардан олинган спектрал характеристикалардан фойдаланиб рухсат этилган зоналарнинг думларидаги электрон ҳолатлар зичлиги тақсимотини ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган ҳамда О.В. Константинов² ўзининг ҳамкасблари билан ҳолат зичлиги учун мослаштирувчи параметр - локаллашган ҳолатлар зичлигини тавсифловчи Урбах энергияси қатнашган феноменологик ифодани таклиф қилган (А.Ф.Иоффе номидаги физика-техника институти Санкт-Петербург).

Ўзбекистон олимлари: Р.А.Мўминов, А.Т.Мамадалимов, М.К.Бахадирханов, С.З.Зайнобидинов, Э.З.Имамов, Қ.П.Абдурахмонов, Р.Я.Расулов ҳамда Р.Ғ. Икрамовларнинг бир қатор назарий ишларида аморф яримўтказгичлар учун рухсат этилган зоналар чегараларидаги электрон ҳолатлари зичлигини тақсимоти чизиқли ёки параболик боғлиқликда бўлиши кўрсатилган. Бу тақсимотларни Кубо-Гринвуд формуласига қўйиш орқали ҳаракатчанлик тирқиши кенглигидан катта энергияли фотонлар ютилганда оптик ютилиш коэффицентининг спектрал характеристикалари аниқланган.

Аммо ҳозиргача нуқсонларда ютилиш коэффиценти спектрлари учун аниқ аналитик ечим олинмаган ҳамда аморф яримўтказгичларда нуқсон ва легировчи киришмаларнинг энергетик ўрни аниқланмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университети ва Наманган давлат университети илмий-тадқиқот режасининг ОТ-Ф2-002-сон «Поликристалл, аморф ва нанокристалл кремнийли структураларда ташқи таъсирлардан

¹ https://zn.ua/article/print/SCIENCE/solnechnye_batarei_dostoinstva_i_nedostatki.html

Солнечные батареи: достоинства и недостатки.

²М.А. Якобсон, Д.К. Нельсон, О.В. Константинов, А.В. Матвеевцев. Хвост локализованных состояний в запрещенной зоне квантовой ямы в системе $\text{In}_{0.2}\text{Ga}_{0.8}\text{N}/\text{GaN}$ и его влияние на спектр фотолуминесценции при лазерном возбуждении. Физика и техника полупроводников, 2005, том 39, вып. 12. С.1459-1463.

(термик, оптик ва радиацион) стимуллашган номувозанатли заряд кўчиш жараёнлари» (2007 – 2011 йй.); ОТ-Ф2-28-сон «Легирланган кремний сирти ва ҳажмидаги квант ўлчамли эффектлар ҳамда уларнинг $p-n$ структуралардаги заряд ташувчилар фотогенерацияси ва рекомбинацияси жараёнларига таъсири» (2012 – 2016 йй.) мавзуларидаги илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади гидрогенизацияланган аморф кремнийнинг спектрал характеристикаларининг шаклланиш хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фундаментал ютилиш соҳасида электронларни тўғри ва нотўғри оптик ўтишлари учун ҳаракатчанлик тирқишининг оптик кенглиги билан рухсат этилган зоналардаги электрон ҳолатлари зичлиги функциялари орасидаги боғланишларни тадқиқ қилиш;

аморф яримўтказгичларда оптик ютилиш коэффицентининг спектрал характеристикасидан Урбах қоидаси бажариладиган соҳани аниқлаш;

Урбах энергиясининг рухсат этилган зоналарни экспоненциал думларини эгрилигини аниқловчи параметрга боғлиқлигини ўрнатиш;

нуқсонлардаги ютилиш коэффиценти спектрларидан фойдаланиб нуқсонларнинг энергетик ўрнини аниқлаш;

нуқсонларда ютилиш соҳасини аниқловчи формулалар ёрдамида инфрақизил ютилиш соҳасини тадқиқ қилиш ва кучли ютилиш соҳаларининг шаклланиш шартларини аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида гидрогенизацияланган аморф кремний олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб гидрогенизацияланган аморф кремнийнинг оптик ютилиш коэффиценти спектрал характеристикалари шаклланиш механизмларини тадқиқ этиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тадқиқ этилган масалаларни ечишда Тауц қоидаси усули, Дэвис-Мотт яқинлашиш усулида Кубо-Гринвуд формуласи, тақрибий ҳисоблаш усули ва компьютер графикаси усулларидан (Maple7) фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

электронларнинг рухсат этилмаган тўғри ўтишлари учун ҳаракатчанлик тирқишининг оптик кенглиги зоналари чегарасидаги локаллашмаган электрон ҳолатлар зичлиги функцияларининг кўринишига боғлиқ бўлиши аниқланган;

электронларнинг рухсат этилган ва рухсат этилмаган нотўғри оптик ўтишлари учун ҳаракатчанлик тирқишининг оптик кенглиги зоналари чегарасидаги локаллашмаган электрон ҳолатлар зичлиги функцияларининг кўринишига боғлиқ бўлмаслиги белгиланган;

Урбах энергиясининг рухсат этилган зоналари экспоненциал думларидан биридаги локаллашган электрон ҳолатлари зичлигини аниқловчи параметрга ўзаро боғлиқлиги исботланган;

аморф яримўтказгич намуналарнинг структура тўридаги узилган

боғланишлар электрон ҳолатлари иштирок этувчи электрон ўтишлар учун аниқланган спектрлардан нуқсонларнинг энергетик ўрнини аниқлаш мумкин эканлиги кўрсатилган;

инфрақизил ютилиш спектрларида кучли ютилиш соҳаларининг шаклланиш шартлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари гидрогенизацияланган аморф кремнийнинг ютилиш коэффициенти спектрал характеристикаларидан ютилиш коэффициентининг қийматини аниқлаш куёш элементларида ёруғликни ютувчи қатламининг мақбул қалинлигини танлаш имкониятини беришидир.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, математик статистика усулларида фойдаланилгани ва ютилиш спектрларини ҳисоблаш натижаларини тажриба натижаларига мос тушиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аморф кремнийга хос бўлган электронларни тўғри ва нотўғри оптик ўтишлари, Урбах энергияси ва нуқсонларда ютилиш спектрлари ҳақидаги физик тасавурларни кенгайтириш имконини беришдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти аморф кремнийга хос бўлган электронларнинг тўғри ва нотўғри оптик ўтишларида ҳаракатчанлик тирқишининг энергетик кенглигини аниқлаш учун таклиф қилинган усулда оптик хоссалари яхшиланган оптоэлектроника асбобларини яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гидрогенизацияланган аморф кремнийнинг спектрал характеристикаларининг шаклланиш хусусиятларини аниқлаш асосида:

Урбах энергияси қийматини рухсат этилган зоналарнинг думларидан биридаги локаллашган электрон ҳолатлари зичлигини аниқловчи параметрга боғлиқлигининг ўрганилганидан, аморф яримўтказгич намуналарининг структура тўридаги узилган боғланишлардаги электрон ҳолатлари иштирок этувчи электрон ўтишлари учун аниқланган спектрлардан нуқсонларнинг энергетик ўрнини аниқлаш мумкинлигидан ва инфрақизил ютилиш спектрларида кучли ютилиш соҳаларининг ҳосил бўлиш шартларини келтириб чиқарилганидан «Фотон» акциядорлик жамиятида яримўтказгичли электрон қурилмалар ишлаб чиқаришда фойдаланилган («Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компаниясининг 2019 йил 4 июлдаги 04-4/857-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалардан фойдаланиш тажрибавий намуналарда электрон техник асбобларнинг электрофизик параметрларини яхшилаш имконини берган.

Электронларни рухсат этилмаган тўғри ўтишлари учун ҳаракатчанлик тирқишининг оптик кенлиги зоналари чегарасидаги локаллашмаган электрон ҳолатлари зичлиги функциясига боғлиқлигидан ҳисобланган усул Ф2-ОТ-О-15494 “Квант нуқтали гетеро ва нанотузилмалардаги экситонлар,

поляронлар, биполяронлар ва кўчиш ҳодисаларини тадқиқ этиш асосида нурлагичлар, фотоэлементлар ва бошқа турдаги оптоэлектрон асбобларнинг самарадорлигини яхшилаш” мавзусидаги фундаментал лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 16.07.2019 йилдаги 89-03-2787-сон маълумотномаси).

Тадқиқот натижалардан фойдаланиш кучли легирланган яримўтказгичларнинг тақиқланган зонаси кенглигини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Электронларнинг оптик ўтишлари**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича адабиётларда келтирилган натижалар таҳлил қилинган. Аморф яримўтказгичлар оптик ютилиш коэффициенти спектрал характеристикасини тадқиқ қилишдан келиб чиқадиган натижа ўрганилган.

Фотонларнинг фундаментал ютилиш соҳаси спектрларидан фойдаланиб электронларни тўғри рухсат этилган ва рухсат этилмаган оптик ўтишлари, ҳамда рухсат этилган ва рухсат этилмаган нотўғри оптик ўтишларнинг шартлари аналитик кўринишларида келтирилган. Фундаментал ютилиш соҳаси спектрлари учун бу шартларни текшириш тажрибалардан олинган натижалари асосида тадқиқ этилган.

Ютилиш коэффициентининг экспоненциал ютилиш соҳасида бажариладиган Урбах қонуниси учун тажрибалардан олинган натижалар келтирилган.

Аморф яримўтказгичлар оптик ютилиш коэффициенти спектрал характеристикаларидан фойдаланиб, Урбах энергияси учун тажрибалардан олинган натижалар ўрганилган.

Гидрогенизацияланган аморф яримўтказгичларга хос бўлган нуқсонлар, уларнинг энергетик ўрни ва ютилиш коэффициенти спектрал характеристикасининг нуқсонларда ютилиш соҳаси учун олинган тажриба натижалари таҳлил қилинган. Булардан келиб чиққан ҳолда диссертация ишининг мақсад ва вазифалари белгиланган.

Диссертациянинг **“Зоналараро оптик ўтишлар. Тўғри ва нотўғри оптик ўтишларнинг шартлари бажарилиши”** деб номланган иккинчи бобида аморф яримўтказгичларда рухсат этилган зоналарда бўлган электрон ҳолатлар зичлиги тақсимоти даражали боғланишга эга бўлгандаги фундаментал ютилиш соҳаси спектрлари ўрганилган. Бу соҳа учун электронларнинг тўғри ва нотўғри ўтиш шартларининг бажарилиши тадқиқ қилинган. Рухсат этилган зоналар чегараларидаги электрон ҳолатлар тақсимоти даражали бўлганда электронларнинг рухсат этилган ва рухсат этилмаган нотўғри ҳамда рухсат этилмаган тўғри ўтиш шартлари бажарилиши кўрсатилган. Электронларнинг рухсат этилган тўғри ўтиш шarti, фақат рухсат этилган зоналарнинг чегараларида максимумлар бўлгандагина бажарилиши аниқланган.

Аморф яримўтказгичларда ютилган фотонларнинг энергияси ҳаракатчанлик тирқиши энергетик кенглигидан катта бўлганда, электронларнинг оптик ўтишлари уч турга бўлиниши, шунинг учун ютилиш коэффициенти спектрларини ҳисоблашда Дэвис-Мотт яқинлашуви учун Кубо-Гринвуд формуласини уч қисмга ажратиб олиш кераклиги кўрсатилган:

$$\alpha = A \int_{\varepsilon_0 - \hbar\omega}^{\varepsilon_0} g(\varepsilon)g(\varepsilon + \hbar\omega) \frac{d\varepsilon}{\hbar\omega} = A \int_{\varepsilon_C - \hbar\omega}^{\varepsilon_0} g(\varepsilon)g(\varepsilon + \hbar\omega) \frac{d\varepsilon}{\hbar\omega} + A \int_{\varepsilon_V}^{\varepsilon_C - \hbar\omega} g(\varepsilon)g(\varepsilon + \hbar\omega) \frac{d\varepsilon}{\hbar\omega} + A \int_{\varepsilon_0 - \hbar\omega}^{\varepsilon_V} g(\varepsilon)g(\varepsilon + \hbar\omega) \frac{d\varepsilon}{\hbar\omega} = \alpha_1 + \alpha_2 + \alpha_3, \quad (1)$$

бу ерда $g(\varepsilon)$ ва $g(\varepsilon + \hbar\omega)$ – мос равишда валент ва ўтказувчанлик зонасидаги электрон ҳолатлари зичлиги, ε_0 - эса валент зона ва ўтказувчанлик зоналари думларининг кесишиш нуқтасининг энергетик вазияти. (1) формуладаги биринчи ҳад, электронни валент зона думидан ўтказувчанлик зонасига ўтишни, иккинчи ҳад зоналараро ўтишни ва учинчи ҳад валент зонадан ўтказувчанлик зонаси думига оптик ўтишларни ифодалайди.

Юқорида таъкидланганидек, электрон ҳолатлар зичлиги тақсимоти рухсат этилган зоналарда даражали боғланишга, бу зоналарнинг думларида эса экспоненциал боғланишга эга бўлади. Шунинг учун уларни мос равишда қуйидаги кўринишларда ёзиш мумкин: валент зона учун

$$g(\varepsilon) = N(\varepsilon_V) \left(\frac{\varepsilon_C - \varepsilon}{E_g} \right)^s, \quad \varepsilon < \varepsilon_V, \quad \text{бўлганда} \quad (2)$$

ўтказувчанлик зонаси учун

$$g(\varepsilon) = N(\varepsilon_C) \left(\frac{\varepsilon - \varepsilon_V}{E_g} \right)^p, \quad \varepsilon_C < \varepsilon, \quad \text{бўлганда} \quad (3)$$

валент зона думи учун

$$g(\varepsilon) = N(\varepsilon_V) \exp(-\beta_1(\varepsilon - \varepsilon_V)), \quad \varepsilon_V < \varepsilon < \varepsilon_0, \quad \text{бўлганда} \quad (4)$$

ўтказувчанлик зонаси думи учун

$$g(\varepsilon) = N(\varepsilon_C) \exp(\beta_2(\varepsilon - \varepsilon_C)), \quad \varepsilon_0 < \varepsilon < \varepsilon_C \quad \text{бўлганда} \quad (5)$$

бу ерда $N(\varepsilon_V)$ - ва $N(\varepsilon_C)$ - мос равишда валент зона ва ўтказувчанлик зоналари чегараларидаги электрон ҳолатлар зичлигининг эффектив қиймати.

Аморф яримўтказгичларда рухсат этилган зоналар ва нуқсонлардаги электрон ҳолатлари тақсимоти максимумларга эга бўлган ҳол учун, улар Гаусс тақсимотига бўйсинганда:

$$g(\varepsilon) = N(\varepsilon_D) \exp(-a(\varepsilon - \varepsilon_D)^2), \quad (6)$$

гиперболиксеканс тақсимотига бўйсинганда:

$$g(\varepsilon) = \frac{2N(\varepsilon_D)}{\exp(b(\varepsilon - \varepsilon_B)) + \exp(-b(\varepsilon - \varepsilon_D))}, \quad (7)$$

кўринишларда ёзилган. Кўриниб турибдики, бу тақсимотларни (1) ифодага қўйиб оптик ютилиш спектрларини аниқлайдиган ифодаларни олиш мумкин.

Аморф яримўтказгичларда зоналараро электронларни оптик ўтишлари учун, рухсат этилган зоналардаги электрон ҳолатлари зичлигини энергияга боғланиши параболик кўринишга эга бўлганда, оптик ютилиш коэффициентлари учун қуйидаги ифодалар олинган. Электронларни тўғри ўтишлари учун:

$$\alpha \cdot \hbar\omega \sim (\hbar\omega - E_{g_0})^{n_1}, \quad (8)$$

бу ерда даражани қийматлари, оптик ўтишлар рухсат этилган бўлганда $n_1=1/2$ ва рухсат этилмаган ўтишлар учун $n_1=3/2$ га тенг бўлади, E_{g_0} – электронларни тўғри ўтишлари учун ҳаракатчанлик тирқишининг оптик кенглиги.

Бу боғланишни нотўғри оптик ўтишлар учун, тажриба натижаларига асосланиб электронларни оптик ўтишларида иштирок этадиган фононларнинг частотаси ютилган фотонларни частотасидан жуда кичик ($\omega_{\text{фон}} \ll \omega$) ва ($kT \ll \hbar\omega$) бўлаганда қуйидагича ёзилган:

$$\alpha \hbar\omega \sim (\hbar\omega - E_g)^{n_2}. \quad (9)$$

E_g - электронларни нотўғри оптик ўтишлари учун ҳаракатчанлик тирқишининг оптик кенглиги. Бу ифодадаги даражанинг қиймати оптик ўтишлар рухсат этилган бўлганда $n_2=2$, рухсат этилмаган оптик ўтишлар учун эса $n_2=3$ га тенг бўлади. (8) ва (9) формулалардан кўринадиги электронларни тўғри ва

нотўғри оптик ўтишлари спектрларидан тақиқ зонанинг оптик кенгликларини аниқлаш мумкин экан:

$$\sqrt[n_1]{\alpha \cdot \hbar\omega} \sim \hbar\omega - E_{g_0} \quad (10)$$

$$\sqrt[n_2]{\alpha \cdot \hbar\omega} \sim \hbar\omega - E_g \quad (11)$$

Электронлари зоналараро оптик ўтишлари учун валент ва ўтказувчанлик зоналардаги электрон ҳолатлари зичлигини энергияга боғланишлари ўзгармас, параболик ва чизиқли бўлган ҳоллар учун, зоналараро ютилиш коэффициентини спектрларини аналитик ечимларини қуйидаги: рухсат этилган зоналардаги электрон ҳолатлари зичлигининг тақсимоти ўзгармас

$$\alpha\hbar\omega = A(\hbar\omega - E_g), \quad (12)$$

параболик

$$\alpha\hbar\omega = \frac{A}{4E_g} \left(2(\hbar\omega - E_g) \sqrt{E_g \hbar\omega} - (E_g + \hbar\omega)^2 \arctg \left(\frac{E_g - \hbar\omega}{\sqrt{4E_g \hbar\omega}} \right) \right) \quad (13)$$

ва чизиқли бўлганда

$$\alpha\hbar\omega = \frac{A}{E_g^2} \frac{\hbar\omega - E_g}{6} (E_g^2 + 4\hbar\omega E_g + \hbar^2 \omega^2), \quad (14)$$

кўринишда бўлиши кўрсатилган. Рухсат этилган зоналардаги локаллашмаган ҳолатлар зичликларини энергияга боғланиши бир-биридан фарқ қиладиган ҳолларнинг турли комбинациялари учун зоналараро ютилиш спектрлари:

1. Битта рухсат этилган зонадаги электрон ҳолатлари зичлиги ўзгармас, иккинчиси эса параболик бўлганда

$$\alpha\hbar\omega = \frac{2A}{3} \frac{(\sqrt{\hbar\omega^3} - \sqrt{E_g^3})}{\sqrt{E_g}}. \quad (15)$$

2. Агар битта зонадаги электрон ҳолатлари ўзгармас иккинчисидagi эса чизиқли бўлганда

$$\alpha\hbar\omega = \frac{A}{2} \frac{\hbar\omega^2 - E_g^2}{E_g}. \quad (16)$$

3. Бир зонадаги ҳолатлар параболик иккинчиси чизиқли бўлган ҳолда эса

$$\alpha\hbar\omega = \frac{2A}{15\sqrt{E_g^3}} \left(5(E_g + \hbar\omega) (\sqrt{\hbar\omega^3} - \sqrt{E_g^3}) - 3(\sqrt{\hbar\omega^5} - \sqrt{E_g^5}) \right). \quad (17)$$

кўринишдаги ифодалар олинган.

Маълумки, электронларни тўғри ва нотўғри ўтиш шартлари зоналараро ўтишлар учун ёзилади. Шунинг учун бу шартларни зоналараро ютилиш коэффициенти спектрал характеристикалари учун текширилган.

(12)-(17) спектрларни (10) ва (11) ифодалардан температура ўзгармас бўлганда электронларни нотўғри рухсат этилган ва рухсат этилмаган оптик ўтиш шартларини мос равишда қуйидаги кўринишларда ёзилган:


$$(\alpha\hbar\omega)^{1/2} \sim \sqrt{f(\hbar\omega)}, \quad (18)$$

$$(\alpha\hbar\omega)^{1/3} \sim \sqrt[3]{f(\hbar\omega)}. \quad (19)$$

Бу ерда $f(\hbar\omega)$ – (12) -(17) формулаларни ўнг томонидаги ифодалар. Бу шартларни текшириш натижалари 1-а ва б - расмларда келтирилган. Улардан


$$(\alpha\hbar\omega)^{1/2}, (\text{см}^{-1}\text{эВ})^{1/2}$$

$$(\alpha\hbar\omega)^{1/3}, (\text{см}^{-1}\text{эВ})^{1/3}$$



(18) формулага 1- (12), 2-(13), 3- (14), 4- (15), 5- (16), 6- (17) формулаларни қўйиб ҳисоблашлардан олинган натижалар.

1-а расм. Электронларни рухсат этилган нотўғри оптик ўтиш шартларини бажарилиши.



(19) формулага 1- (12), 2-(13), 3- (14), 4- (15), 5- (16), 6- (17) формулаларни қўйиб ҳисоблашлардан олинган натижалар.

1- б расм. Электронларни рухсат этилмаган нотўғри оптик ўтиш шартларини бажарилиши.

электронларни зоналараро оптик ўтишлари учун ушбу ишда келтириб чиқарилган формулаларни ҳаммаси рухсат этилган ва рухсат этилмаган нотўғри ўтиш шартларини қаноатлантиришини кўриш мумкин.

(12)-(17) формулаларни (10) ва (11) лардан фойдаланиб мос равишда:

$$(\alpha\hbar\omega)^2 \sim f(\hbar\omega)^2 \quad (20)$$


$$(\alpha\hbar\omega)^{3/2} \sim f(\hbar\omega)^{3/2} \quad (21)$$

кўринишларда ёзиб, юқоридаги формулалар учун электронларни рухсат этилмаган ва рухсат этилган тўғри ўтиш шартларини бажарилишини текшириб чиқилган.

Электронларни рухсат этилмаган тўғри ўтиш шартини текшириш натижалари 2-расмда келтирилган. Бу расмда графиклар алоҳида кўриниши учун фақат рухсат этилган зоналардаги электрон ҳолатлари зичлигининг тақсимотлари ўзгармас, параболик ва чизиқли бўлган ҳолларгина келтирилган. Бу натижалардан электронларни зоналараро оптик ўтишлари учун ушбу ишда келтириб чиқарилган формулалар рухсат этилмаган тўғри ўтиш шартларини қаноатлантирар экан деб ҳисоблаш мумкин. Аммо электронларни бу ўтишларидан аниқланадиган ҳаракатчанлик тирқишининг оптик кенглиги рухсат этилган зоналардаги электрон ҳолатлари зичлигини тақсимоти функциясини кўринишига боғлиқ бўлар экан ва уларни йиғиндисининг қиймати катталашиб борган сари ҳаракатчанлик тирқишининг оптик кенглиги ҳам ортиб борар экан.

Худди шу усулда рухсат этилган тўғри ўтиш шартлари текширилди. Бу ифодалардан олинган ҳисоблаш натижалари рухсат этилган зоналардаги электрон ҳолатлари зичлигини тақсимоти даражали бўлса, зоналардаги ютилиш коэффиценти спектрал характеристикалари учун рухсат этилган тўғри ўтишларни шарти бажарилмаслигини кўрсатди. Буларни ҳисобга олиб ўрганиладиган аморф яримўтказгичларнинг рухсат этилган зоналарни чегараларида максимумлар бор деб фараз қилиб ва зоналараро электрон ўтишлари учун ютилиш коэффиценти спектрал характеристикасини ҳисобланганда

$(\alpha\hbar\omega)^{2/3}, (\text{см}^{-1}\text{эВ})^{2/3}$



1- чизиқли, 2- параболик ва 3- ўзгармас бўлган ҳоллар учун (21) формулада олинган ҳисоблаш натижалари.

2-расм. Рухсат этилган зоналардаги электрон ҳолатлари зичлигининг тақсимотлари


$$\alpha = A \frac{\ln \left[\frac{1 + ch(bE_g)}{1 + ch(b(2\hbar\omega - E_g))} \right]}{b\hbar\omega sh(b(E_g - \hbar\omega))} \quad (22)$$

ифода олинган. Ҳисоблашлар (22) спектрнинг максимумини энергетик ўрни $\hbar\omega = \varepsilon_C - \varepsilon_V = E_g$ га тўғри келишини кўрсатди. Бу формула учун рухсат этилган тўғри ўтиш шартини

$$(\alpha\hbar\omega)^2 \sim \left[\frac{1}{b\hbar\omega sh(b(E_g - \hbar\omega))} \ln \left(\frac{1 + ch(bE_g)}{1 + ch(b(2\hbar\omega - E_g))} \right) \right]^2 \quad (23)$$

кўринишда ёзилганда, олинган ҳисоблаш натижалари 3-расмдагидек бўлди. Кўришиб турибдики рухсат этилган тўғри ўтиш шарт тўла бажарилар экан. Рухсат этилган зоналардан биридаги электрон ҳолатлари зичлиги тақсимоти даражали иккинчиси эса максимумга эга бўлган ҳоллар учун ҳам Кубо-Гринвуд формуласини тақрибий ҳисоблашларни бажарилган. Олинган натижалардан бу ҳолларда ҳам рухсат этилган тўғри ўтиш шартлари бажарилмаслиги аниқланган. Булардан қуйидаги хулосани чиқариш мумкин. Рухсат этилган тўғри ўтиш шартлари фақат спектрларда аниқ максимум бўлгандагина бажарилади.

$(\alpha\hbar\omega)^2$, нис. бир.



3-расм. Рухсат этилган зоналарни чегараларида максимумлар бўлган ҳол учун электронларни рухсат этилган тўғри оптик ўтиш шартларини бажарилиши.

Диссертациянинг “Энергияси ҳаракатчанлик тирқиши кенглигидан кичик энергияли фотонларни ютилиши спектрлари учун Урбах қоида-си” деб номланган учинчи бобда аморф гидрогенизациялаган кремний мисолида аморф яримўтказгичларнинг спектрал характеристикасининг экспоненциал ютилиш соҳасидан фойдаланиб Урбах энергиясини тадқиқ қилинган ва Урбах энергияси учун янги формула келтириб чиқарилган.

Маълумки, Урбах қоидасини умумий ҳолда қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин

$$\alpha(\hbar\omega) = const \cdot \exp \left(\frac{\hbar\omega}{E_U} \right). \quad (24)$$

Бу ерда E_U -Урбах энергияси бўлиб, аморф яримўтказгичлар учун у 30-100 мэВ қийматларга тенг бўлиши мумкин. Маълумки, тажрибалардан фойдаланиб Урбах энергиясини ютилган фотонларни энергияси учун $\varepsilon_F - \varepsilon_V < \hbar\omega < \varepsilon_C - \varepsilon_V = E_g$, шарт бажариладиган соҳадан аниқланади. Бу соҳада электронлари оптик ўтиш турлари уч хил бўлади. Шунинг учун ютилиш коэффициенти учта парциал ютилиш коэффициентларининг йиғиндиси билан аниқланади:

$$\alpha = \alpha_1 + \alpha_2 + \alpha_3.$$

Бу ерда α_1 - электронли фотоўтказувчанлик ҳосил қилувчи, яъни валент зона думидан ўтказувчанлик зонасига электронларни оптик ўтишларини, α_2 - электронли фотоўтказувчанлик ҳосил қилмайдиган, яъни валент зона думидан ўтказувчанлик зонаси думига электронларни оптик ўтишларини, α_3 - эса ковакли фотоўтказувчанлик ҳосил қилувчи, яъни валент зонадан ўтказувчанлик зонаси думига электронларнинг оптик ўтишлари спектрлари.

Шунинг учун рухсат этилган зоналарни экспоненциал думларидаги локаллашган электрон ҳолатлари иштирок этувчи оптик ўтишлар спектрининг барча соҳаларида Урбах энергиясини ҳисоблашни қараб чиқилган. (24) формуладан E_U ни аниқлаймиз. Ундан фотонларни энергияси $\hbar\omega$ бўйича ҳосила олсак

$$\frac{d(\alpha(\hbar\omega))}{d(\hbar\omega)} = \frac{1}{E_U} \text{const} \cdot \exp\left(\frac{\hbar\omega}{E_U}\right), \quad (25)$$

ёки

$$\frac{d(\alpha(\hbar\omega))}{d(\hbar\omega)} = \frac{\alpha(\hbar\omega)}{E_U}, \quad (26)$$

кўринишдаги ифодани оламиз. Бундан Урбах энергияси учун

$$E_U = \alpha(\hbar\omega) / \frac{d(\alpha(\hbar\omega))}{d(\hbar\omega)} \quad (27)$$

тенгликни ёзиш мумкин. $\varepsilon_F - \varepsilon_V < \hbar\omega < \varepsilon_C - \varepsilon_V = E_g$ соҳа учун бу формулани

$$E_U = (\alpha_1 + \alpha_2 + \alpha_3) \left(\frac{d\alpha_1}{d(\hbar\omega)} + \frac{d\alpha_2}{d(\hbar\omega)} + \frac{d\alpha_3}{d(\hbar\omega)} \right)^{-1} \quad (28)$$

кўринишда ёзамиз.

Урбах энергиясини ҳисоблаш усули қараб чиқилиб Кубо-Гринвуд формуласидан Девис-Мотт яқинлашиш усулига кўра юқорида келтирилган, электронларни оптик ўтиш турларини барчаси учун оптик ютилиш коэффициенти спектрал характеристикаларини ҳисобланган. Рухсат этилган зоналардаги электрон ҳолатларининг тақсимооти даражали бўлганда, бу ҳолатлари иштирок этувчи ўтишлар билан аниқланадиган ютилиш коэффициенти спектрларининг қийматлари бир-биридан деярли фарқ қилмаслигини кўрсатилган. Шунинг учун битта ҳолати локаллашган иккинчи ҳолати эса локаллашмаган электрон ҳолатлари иштирок этувчи спектрларни кўринишини соддалаштириш учун локаллашмаган электрон ҳолатлари ўзгармас бўладиган ҳолни қараб чиқамиз. Бу спектрлар учун қуйидаги натижалар олинган:

$$\alpha_1 = \frac{A}{\beta_1 \hbar\omega} \exp(-\beta_1(E_g - \hbar\omega)) [1 - \exp(\beta_1(\varepsilon_C - \varepsilon_0 - \hbar\omega))], \quad (29)$$

$$\alpha_2 = \frac{A}{(\beta_2 - \beta_1)\hbar\omega} \exp(\beta_1(\hbar\omega - E_g)) [1 - \exp((\beta_2 - \beta_1)(\hbar\omega - E_g))], \quad (30)$$

$$\alpha_3 = \frac{A}{\beta_2\hbar\omega} \exp(\beta_2(\hbar\omega - E_g)) [1 - \exp(\beta_2(\varepsilon_0 - \varepsilon_V - \hbar\omega))]. \quad (31)$$

Бу ерда β_1 - ва β_2 - лар мос равишда валент ва ўтказувчанлик зоналари думларини эгрилигини аниқловчи параметрлар.

Бу формулалардан фотонларни энергияси бўйича ҳосилаларни олсак

$$\frac{d\alpha_1}{d(\hbar\omega)} = \frac{A}{\beta_1(\hbar\omega)^2} \exp(\beta_1(\hbar\omega - E_g)) [\beta_1\hbar\omega - 1 + \exp(\beta_1((\varepsilon_C - \varepsilon_0) - \hbar\omega))], \quad (32)$$

$$\frac{d\alpha_2}{d(\hbar\omega)} = \frac{A}{(\beta_2 - \beta_1)(\hbar\omega)^2} ((\beta_1\hbar\omega - 1)\exp(\beta_1(\hbar\omega - E_g)) - (\beta_2\hbar\omega - 1)\exp(\beta_2(\hbar\omega - E_g))) \quad (33)$$

$$\frac{d\alpha_3}{d(\hbar\omega)} = \frac{A}{\beta_2(\hbar\omega)^2} \exp(\beta_2(\hbar\omega - E_g)) [\beta_2\hbar\omega - 1 + \exp(\beta_2((\varepsilon_0 - \varepsilon_V) - \hbar\omega))] \quad (34)$$

ифодаларни оламиз. Бу ифодаларга рухсат этилган зоналарнинг экспоненциал думларининг кесишиш нуқтаси учун олинган

$$\varepsilon_C - \varepsilon_0 = \beta_1 E_g / (\beta_1 + \beta_2), \quad (35)$$

$$\varepsilon_0 - \varepsilon_V = \beta_2 E_g / (\beta_1 + \beta_2). \quad (36)$$

боғланишларни қўйиб Урбах энергиясини аниқловчи формулаларни ҳосил қиламиз. Кўриниб турибдики, бу формулалар ёрдамида Урбах энергиясини β_1, β_2 ва E_g параметрларни қийматларига боғланишларини аниқлаш мумкин.

Ҳисоблашларнинг кўрсатишича бу спектрлардан экспоненциал ютилиш соҳасида локаллашган ҳолатлараро ютилиш коэффициентининг қийматларини аниқлашда асосий ролни фотоўтказувчанлик ҳосил қилмайдиган оптик ўтишларни спектрлари ўйнайди. Шунинг учун Урбах энергиясини қуйидаги кўринишда ёзамиз:

$$E_U = \alpha_2(\hbar\omega) \left(\frac{d(\alpha_2(\hbar\omega))}{d(\hbar\omega)} \right)^{-1} \quad (37)$$

(30) ва (33) формулалардан фойдаланиб Урбах энергиясини аниқлайдиган ифодани келтириб чиқариш мумкин. Бу ифодани соддалаштириш мақсадида $\hbar\omega < E_g$ ва $\exp((\beta_2 - \beta_1)(\hbar\omega - E_g)) \ll 1$ эканлигини ҳисобга олиб, Урбах энергияси учун қуйидаги ифодаларни оламиз: валент зонанинг думини эгрилигини аниқлайдиган параметрнинг қиймати катта бўлганда

$$E_U \approx \frac{1}{\beta_1 - \beta_2 \exp((\beta_2 - \beta_1)(\hbar\omega - E_g)) - 1/\hbar\omega} > \frac{1}{\beta_1}, \quad (38)$$

ўтказувчанлик зонасининг думини эгрилигини аниқлайдиган параметрнинг қиймати катта бўлганда, эса


$$E_U \approx \frac{1}{\beta_2 - \beta_1 \exp((\beta_1 - \beta_2)(\hbar\omega - E_g)) - 1/\hbar\omega} > \frac{1}{\beta_2}. \quad (39)$$

кўринишда бўлади.

У ҳолда Урбах энергияси аморф яримўтказгич намунасининг ҳаракатчанлик тирқишининг энергетик кенглиги ва рухсат этилган зоналарнинг экспоненциал думларини эгрилигини аниқловчи параметрларгагина боғлиқ бўлиб қолади. Агар аморф яримўтказгич намунаси ва уни тайёрлаш технологияси бир хил бўлса, ҳаракатчанлик тирқиши ўзгармас бўлади деб ҳисоблаш мумкин. Бундай намуналар учун (38) ва (39) формулалардан фақат рухсат этилган зоналарнинг думларини эгрилигини аниқловчи параметрга боғлиқ бўлади. Шунинг учун бу формуладан Урбах энергияси ва рухсат этилган зоналарни эгрилигини аниқловчи параметр орасидаги боғланишни ўрганиш мумкин бўлади. 4-расмда Урбах энергиясини валент зона думини (β_1) ва ўтказувчанлик зонаси думини эгриликларига (β_2) боғланишлари келтирилган. Расмдан кўринадики $\beta=1/E_U$ ни қиймати доимо β_1 ва β_2 ларни қийматларидан кичик бўлар экан.

Бу натижалардан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин. β_1 ва β_2 параметрлардан қайси бири кичик бўлса Урбах энергиясига тесқари бўлган β параметрнинг қиймати ундан катта бўлиши мумкин эмас, иккинчидан β_1 ёки β_2 лардан биттаси ўзгармас бўлганда, β нинг қиймати шу параметрни қийматидан доимо кичик бўлади, β_1 ва β_2 ларни қийматлари жуда катта интервалда ўзгарганда ҳам Урбах энергиясининг қийматлари ўзгармай қолиши мумкин. Бу натижалар Мотт томонидан ютилиш коэффиенти спектрал характеристикасида Урбах қоидаси бажариладиган соҳани ҳосил бўлиш сабабини зоналарнинг думларини энергияга боғланиши экспоненциал эканлиги билан тушунтирилишига қарши билдирилган мулоҳазасини тўғри эмаслигини кўрсатади.

Гидрогенизацияланган аморф яримўтказгич пардаларида Урбах энергиясини температурага боғланишини аниқловчи тажриба натижаларидан бу боғланишлар чизиқли эканлигини ва бу чизиқларни бурчак коэффиенти ҳаракатчанлик тирқишининг энергетик кенглигини температурага боғланишини бурчак коэффиентига яқин бўлиши кўрсатилган. Маълумки, гидрогенизацияланган аморф кремнийда Урбах энергияси валент зонанинг экспоненциал думи эгрилигини аниқловчи параметрнинг қиймати билан аниқланади. Рухсат этилган зоналарнинг думларидаги электрон ҳолатларининг зичлигини қиймати $T < 550$ К температураларда ўзгармас бўлади. Шунинг учун бу параграфда Урбах энергияси ва температура орасидаги боғланишни ўрганиш бўйича олиб борилган назарий ҳисоблашлардан олинган натижалар келтирилган.



4-расм. Урбах энергиясини рухсат этилган зоналарнинг экспоненциал думларининг эгрилигини аниқловчи параметрларга боғланиши.

Олдинги параграфда Урбах энергиясини аниқловчи муносабатлар келтирилган. (38) ва (39) ифодаларда фақат битта температурага боғлиқ бўлган параметр E_g қолади. Маълумки, бу катталикини температурага боғланиши


$$E_g(T) = E_g(0) - \gamma T \quad (40)$$

кўринишда ёзилади. Гидрогенизацияланган аморф яримўтказгичлар учун $\gamma \approx (4 \cdot 10^{-5} - 10^{-4} \text{ эВ К}^{-1})$ эканлигини ҳисобга олиб (40) ни (38) ифодаларга қўйиб бажарилган ҳисоблашдан олинган натижалар қуйидаги 5 - расмда келтирилган. Ҳисоблашларни гидрогенизацияланган аморф кремний ($E_g = 1,8 \text{ эВ}$) учун бажарилди. Бу материалда ўтказувчанлик зонаси думидан валент зонанинг думи каттароқ бўлади. Шунинг учун ҳисоблашларни бажаришда ўтказувчанлик ва валент зоналарнинг экспоненциал думларининг эгрилигини аниқловчи параметрлар учун $\beta_1 = 14 \text{ эВ}^{-1}$ ва $\beta_2 = 25 \text{ эВ}^{-1}$ 1-чизиқ, $\beta_1 = 19 \text{ эВ}^{-1}$ ва $\beta_2 = 25 \text{ эВ}^{-1}$ 2-чизиқ катталиклар танланди. Расмдан кўринадиги (38) формуладан ҳисобланган Урбах энергиясининг температурага боғланиши чизиқли бўлиб, тажриба натижаларини тушунтира олар экан.

Диссертациянинг “Нуксонларда ютилиш спектрлари” деб номланган тўртинчи бобида аморф гидрогенизацияланган кремний мисолида, аморф яримўтказгичларга хос бўлган нуксонларда ютилиш спектрларининг аналитик ечимлари, нуксонлар ва нуксонларда ютилиш спектрлари тадқиқ қилинган.

Гидрогенизацияланган аморф яримўтказгичлар қатламларидаги D^+ , D^0 ва D^- зарядли нуксонларни энергетик ўринлари учун адабиётларда келтирилган натижалар бир-биридан бир оз фарқ қилади. Ушбу ишда уларни қийматларини ўртачалаштириб $\varepsilon_C - \varepsilon_{D^0} \approx (0,9 - 1,0) \text{ эВ}$, $\varepsilon_C - \varepsilon_{D^-} \approx 0,6 \text{ эВ}$, $\varepsilon_C - \varepsilon_{D^+} \approx (0,25 - 0,2) \text{ эВ}$, $\varepsilon_{DB} - \varepsilon_V \approx (0,4 - 0,35) \text{ эВ}$ ва $\varepsilon_C - \varepsilon_{DA} \approx (0,35 - 0,3) \text{ эВ}$ ҳисоблашлар бажарилган.

Катта энергияли фотонлар ютилганда аморф яримўтказгичлардаги нуксонларда ютилиш коэффициенти спектрал характеристикаларини ҳисоблашни қараб чиқилган. Бу ҳолда электронлар бир вақтни ўзида рухсат этилган зоналар, уларни думларидаги электрон ҳолатлари ҳамда нуксонлар



Ҳисоблашларни 1- $\beta_1 = 14 \text{ эВ}^{-1}$ ва $\beta_2 = 25 \text{ эВ}^{-1}$, 2- $\beta_1 = 19 \text{ эВ}^{-1}$ $\beta_2 = 25 \text{ эВ}^{-1}$, $E_g = 1,8 \text{ эВ}$ қийматлар учун бажарилган.

5-расм. Гидрогенизацияланган аморф кремний пардаларида Урбах энергиясини температурага боғланиши.

